



ISHONCHI

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 3 апрел, чоршанба № 54 (1271)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЖАЙХУН СОҶИЛИДАГИ БОҚИЙ ШАҲАР

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар! Мухтарам меҳмонлар! Хонимлар ва жаноблар!

Бугун сиз азишлар билан халқимиз ҳаётидаги яна бир унутилмас воқеа - қадимий Термиз шаҳрининг 2500 йиллик тўйи муносабати билан шу кутлуг заминда дийдор кўришиб турганимдан беҳад бахтиёрман.

Гўзал юртимизда баҳор нафаси кезиб юрган мана шундай ёруғ ва файзли кунларда ушбу тантанали маросимга узоқ-яқиндан ташриф буюрган юрtdошларимизни, мухтарам меҳмонларимизни, бағрикенг Сурхон аҳлини, барча-барчангизни шу тарихий сана билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бугунги тантанادا иштирок этаётган ЮНЕСКО халқаро ташкилоти ҳамда диплома-



мавжудлиги ҳам бежиз эмас.

Бугунги кутлуг сана муносабати билан бунёд этилган, собиқ иттифок ҳудудида ягона бўлган мухтарам Археология музейидаги кўплаб тарихий ашёлар, меъморлик ва ҳайкалтарошлик санъати намуналари, деворий расмлар, уй-рўзғор буюмлари, турли-туман тақинчоқлар ҳам ана шу ҳақиқатнинг тарихий тасдиғи бўла олади.

Азиз дўстлар, биродарлар, шу ўринда эътиборингизни бир масалага қаратмоқчиман.

Яъни, бу қадимий воҳанинг, Термиз шаҳрининг кўҳна ва бекиёс кечмишини исботлаб, тасвир қилиб берадиган далилларни кўрганда, одамда беихтиёр шундай савол туғилади: нега шунчалик узоқ тарихга эга бўлган бу шаҳарнинг юбилейи шўро замонида, бирон марта ҳам нишон-

бўлган бу заминнинг нафақат юртимиз тарихига, балки дунё цивилизациясига қўшган муносиб ҳиссасини ёритиб бериш мақсадида олиб борилган улкан ишларни эндиликда бутун жаҳон аҳли тан олмоқда.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, асрлар қаърида қўмилиб ётган ана шу ҳақиқатни юзага чиқарган, Термиз шаҳри, бутун Сурхон воҳасининг тарихини акс эттирадиган осори атиқалар ва ёдгорликларни излаб топиш, уларни ҳар томонлама ўрганиш, жаҳон бўйлаб тарғиб этиш борасида сидқидилдан меҳнат қилган заҳматқаш олимларимизга, Япония, Германия, Франция, Россия каби мамлакатлардан келиб, бу ерда тадқиқот ишлари олиб бораётган археологларга, уларни қўллаб-қувватлаган ташкилотларга, аввало, ЮНЕСКО халқаро ташки-

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТЕРМИЗ ШАҲРИНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

тик корпус намоёндаларига, хорийжий мамлакатларнинг олимлари ва оммавий ахборот воситаларининг вакилларига ўз номидан, бутун халқимиз номидан миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсизлар.

Азиз дўстлар! Бугун биз яшаётган Ўзбекистон тупроғи дунёдаги энг кўҳна ва бетакрор масканлардан биридир. Бу ҳақиқатни кўп-кўп мисоллар, тарихий ва илмий далиллар асосида исботлаб бериш мумкин.

Ўзбекистон заминининг қайси ҳудудига муножаат қилмайлик, минг-минг йиллар қаъридаги илк ҳаёт нишонларини, энг қадимий маданият ва санъат намуналарини ҳар қадамда топиш, шу орқали бу ерларда қандай буюк цивилизация мавжуд бўлганини кўришимиз мумкин.

Бу ҳақда гапирганда, биз Фарғона водийсидаги Селунгур, Тошкент воҳасидаги Кўлбулоқ, Қашқадарёдаги Узунқир каби дастлабки одамзот манзилгоҳларини, Самарқанддаги Афросиёб, Хоразм заминидан яратилган нодир «Авесто»

китоби, Бухородаги зардуштийлик ибодатхоналари сингари кўплаб ёдгорликларни назарда тутамиз.

Мухтасар қилиб айтганда, мана шу мўътабар юртимиздаги ер ости хазиналаридан, асрлар давомида сукутга чўмиб ётган шахристонлардан топилган археологик ашёлар, ноёб тасвирлар ва ҳали очилмаган, ўз сирларини пинҳон сақлаб келаётган чўлу биёбонлар, ҳеч шубҳасиз, бугун биз яшаётган тупроқда қадим-қадим замонлардан бошлаб буюк маданият ва санъат ривожланганини тасдиқлайди.

Шу маънода, улуг аждодларимизнинг умумжаҳон ва умумбашариёт тарраққийтига қўшган улкан ҳиссасини ҳозирги кунда дунёда ҳеч ким инкор қилолмайди. Бундай ҳулосани юзлаб бебаҳо топишлар, осори атиқалар ва буюмлар исботлаб беради.

Лекин, афсуски, инсоният бошидан кечган давр тўфонлари, уруш-қирғинлар, табиий офатлар оқибатида бу бекиёс тарихий маданият тасвирларининг мингдан бир қисмигина бизга қадар етиб келган, де-

ён ва Далварзинтепа каби ўнлаб манзиллардан топилган ибтидоий одам маконлари, қадимий ёдгорликларимизни, сўнги икки аср мобайнида олиб борилган археологик қазилар натижасида топилган ноёб олтин ва қумуш буюмлар, бебаҳо осори атиқаларимизни - барча нодир бойликларимизни бошқа давлатлар каби мисқоллаб, асраб-авайлаб сақлаб келиб, бу экспонатлар бир жойга йиғилса, ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, дунёда тенги йўқ музей вужудга келган бўлар эди.

Бугун биз ЮНЕСКО халқаро ташкилоти қарорига биноан Термиз шаҳрининг 2500 йиллик тўйини ўтказар эканмиз, Ватанимизнинг жанубий сарҳадларидан топилган мана шундай далиллар асосида Сурхон воҳасида яшаган одамларнинг қандай буюк, улуг тарихини бошидан кечиргани, керак бўлса, қандай бетакрор маданиятга эга бўлганини катта гурур ва ифтихор билан таъкидлаймиз.

Ҳақиқатан ҳам, бу кўҳна улқадаги Тешиктош ва Зараутсой, Жаркўтон ва Сополлитепа, Холча-

ён ва Далварзинтепа каби ўнлаб манзиллардан топилган ибтидоий одам маконлари, қадимий ёдгорликларимизни, сўнги икки аср мобайнида олиб борилган археологик қазилар натижасида топилган ноёб олтин ва қумуш буюмлар, бебаҳо осори атиқаларимизни - барча нодир бойликларимизни бошқа давлатлар каби мисқоллаб, асраб-авайлаб сақлаб келиб, бу экспонатлар бир жойга йиғилса, ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, дунёда тенги йўқ музей вужудга келган бўлар эди.

Ҳақиқатан ҳам, азалдан Магрибу Машриқни ўзаро боғлаб келган, қадим савдо қарвонлари ўтадиган Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган бу тупроқда неча минг йиллар мобайнида турли дин ва маданиятлар зардуштийлик ва буддавийлик, насронийлик ва мусулмонлик анъаналари ёнма-ён яшаб келганини ҳисобга олсак, бу заминнинг тарихи нақадар кўҳна эканига иқрор бўлаемиз.

Ҳатто, бир замонлар Термиз шаҳри буддавийлик марказларидан бири бўлгани, бу таълимот Хитой ва Японияга айна шу ердан тарқалгани ҳақида илмий қарашларнинг

ланмаган?


Бунинг сабаби битта: у ҳам бўлса, мустабид тузум даврида ҳукм сурган, бизнинг бой тарихимизни тан олмаслик, менсимаслик, уни шу тарихнинг ҳақиқий эгаларидан яширишга бўлган ури-нишлардир.

Бир сўз билан айтганда, бу ҳолни тарихий адолатсизлик, асрлар давомида бизнинг халқимизга, миллий маданиятимизга нисбатан олиб борилган ғаразли сиёсатнинг натижаси, деб баҳолаш лозим.

Бунга яна бир сабаб шуки, жанубий чегараларда жойлашган Термиз шаҳрига, авваллари Россия, кейинчалик эса СССР империясининг олис ва чекка бир ҳудуди деб, бу ерда қандай маданият, қандай тараққиёт излари бўлиши мумкин, деб беписанд қараб келинди.

Фақат биз озодлик ва эркинликка эришгандан кейингина Сурхоннинг ҳақиқий тарихини очиб бериш, тиклаш ва ўрганиш масаласига том маънода катта эътибор қаратилди.

Ҳар қарич тупроғи қанча сир-синоатга, бетимсол бойликларга эга



лотига ўзимизнинг чуқур миннатдорлигимизни билдирамиз.

Хурматли юрtdошлар! Термиз деганда, аввало, унинг шонли воқеаларга бой кечмиши, ўнлаган тарихий қўшмаҳаллик тарихи кўз ўнгимизга келади.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

ҲАРБИЙ ВА МУҚОБИЛ ХИЗМАТНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР САФЛАРИДАН ЗАҲИРАГА БЎШАТИШ ҲАМДА ФУҚАРОЛАРНИ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ВА МУҚОБИЛ ХИЗМАТГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ва «Муқобил хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларида мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахслар Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари сафларидан заҳирага бўшатилин.

2. 1975-1984 йилларда туғилган, қақирқ мудатини узайтириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 2002 йилнинг апрель-май ойларида мудатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақирилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Қуролли Кучларни чақирилувчилар билан сифатли бутлаш мақсадида жойлардаги чақириб комиссияларнинг ҳар томонлама таъминланишини ва самарали ишлашини ташкил этсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ф.Назиров) Мудофаа вазирлиги (Қ.Фулмолов) билан биргаликда чақириб участкаларини зарур тиббиёт асбоб-анжомлари ва буюмлари билан таъминласин, чақирилувчиларнинг лаборатория текширувлари сифатли ўтказилишини ва уларнинг турли ихтисосликда юқори малакали врачлар томонидан ҳар томонлама тиббий текшириб кўрилишини ташкил этсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И.КАРИМОВ**

Дунёда ёши минг йиллар билан ўлчанадиган шаҳарлар сони санокли. Қадимий кентлари билан фахрланадиган, уларни бугунги авлодларга кўз-кўз қилиш бахтига муваффақ бўлиш ҳам кўп эмас. Бундай саодатга эришган халқлар жаҳон цивилизацияси ривожига тамал тошини қўйган, инсониятнинг илк тарихини яратган. Не бахти, ўзбеклар ана шундай халқлар сирасига киради. Мамлакатимизда ёши неча минг йилларга тенг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз, Термиз каби шаҳарлар талайгина.

2 апрел куни Термизда ушбу шаҳарнинг 2500 йиллигига бағишланган байрам тантаналари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов тантаналарда иштирок этиш учун Термизга ташриф буюрди.

лик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги ҳамда ЮНЕСКО Бош конференцияси 30-сессиясининг мазкур шаҳарнинг 2500 йиллигини халқаро миқёсда кенг нишонлаш ҳақидаги қарорлари ижросини таъминлаш жараёнида шаҳарда улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Бу ишлар «Алломиш» достонининг 1000 йиллигини нишонлаш арафасида бошланган эзгу амалларнинг давоми бўлди.

Султон Саодат ёдгорлик мажмуи бутунлай қайта таъмирланди. Шўро замонида бу муқаддас зиёратгоҳ ташландик ҳолга келиб қолганди. Истиқлол шарофати ва Президентимизнинг ташаббуси билан неча минг йиллик қадриятларимиз, буюк аждодларимиз хотираси ва меросини тиклашга катта эътибор қаратилиши натижаси ўлароқ, Султон Саодат мажмуи ҳам обод зиёратгоҳга айланди.

Давлатимиз раҳбари ушбу обода, шунингдек, Ҳақим Термизий мақбарасини зиёрат қилар экан, бундай ёдгорликлар бизга ўтмиш (Давоми 2-бетда).

Иккинчи чақирғиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси саккизинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақирғиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси 2002 йил 4 апрел куни эрталаб соат 10 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида мажлислар залида очилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 3 апрел куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинди.

Сийбсий партияларнинг Олий Мажлис депутатлари фракциялари ва депутатлар блоклари таркибига кирадиган депутатлар диққатига Олий Мажлисда 3 апрел куни соат 11.30 да сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг Олий Мажлис депутатлари блоқи, соат 14.30 да «Адолат» Социал-демократик партиясининг фракцияси ҳамда ҳокимият вакиллик органларининг Олий Мажлис депутатлари блоқи ййғилишлари ўтказилади.

ЎЗГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ:

МАВСУМ МАСЪУЛИЯТИ

Ҳадемай иссиқ кунлар бошланиб, саҳий кўёш атрафга аямай нур сочиб киздиради. Бундай дамларда ҳар бир инсон тангадай бўлса-да соясалкин жой излаб қолади. Кўпчилик мамлакатимизнинг сўлим ва баҳаво дам олиш масканлари, сихатгоҳлар томон ошиқади.

Ўзги мавсум бошланиши билан болажонларимиз ҳам таътилни кўнгили ўтказиш пайида бўладилар. Бу ўғил-қизларнинг ижтимоий ҳимояси давлат сиёсати даражасига кўтарилган диёримиз аҳли учун ўзига хос масъулиятли даврдир. Ўзбекистон қасаба уюш-

мидаги «Семурғ» оромгоҳида Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташаббуси билан 2002 йилги ёз мавсумини намунали ташкил этиш бўйича Республика семинари бўлиб ўтди.

Унда республика болалар соғломлаштириш оромгоҳлари бошлиқлари, вилоят қасаба уюшма Кенгашлари раисларининг муовинлари, тармоқ Марказий кўмиталарининг мутахассислари, оромгоҳлар тарбиячилари, йуриқчилар, шифокорлар иштирок эт-

дилар. Уларга оромгоҳлар ишини намунали ташкил этиш юзасидан Республика қасаба уюшмалари, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Ички ишлар вазирликлари мутасаддилари, шунингдек, Республика «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари ва бошқалар йўл-йўриқ ва маслаҳатлар бердилар.

Соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшма Марказий кўмитаси раиси Озода Муҳиддинованинг «Қасаба уюшма ташкилотларининг 2002 йил ёз мавсу-

мида болаларни соғломлаштириш ва уни ўтказиш борасидаги вазифалари» тўғрисидаги чиқиши ййғилганларни зарурий маълумотлар ҳамда олдинда турган долзарб вазифалардан огоҳ этди. Айниқса, улар ўтган йилги мавсумда йўл қўйилган камчиликларни тақрорламаслик, илғор тажрибалар, янгиликлар хусусида кўрсатма ва маслаҳатлар олдилар.

— Ўтган йилги мавсумда қасаба уюшмалари ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан 287212 нафар болани соғломлаштиришга эришилди, - деди жумладан О. Муҳиддинова.

(Давоми 3-бетда).

ЎЗГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ: МАВСУМ МАСЪУЛИЯТИ

(Боши 1-бетда).

— Бу кўрсаткич белги-ланган режанинг 106,4 фоизини ташкил этди. Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳамда сув тақчиллиги оқибатларини енгилаштириш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ Оролбўйи болаларини республикамизнинг энг баҳоли ва хушманзара оромгоҳларида дам олдиришга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Тошкент вилояти ҳамда Тошкент шаҳри, Фарғона водийси, Самарқанд вилоятидаги оромгоҳларда 20335 нафар оролбўйилик ўғил-қиз хордик чиқариб, саломатлигини тиклаши учун бепул йўланмалар билан таъминланди.

Ўтган мавсумда 714 та болалар оромгоҳларининг фаолият кўрсатиши кўзда тутилган бўлса, амалда 759 та, шу жумладан, 278 та шаҳардан ташқаридаги, 59 та санаторий типидagi, 13 та спорт-соғломлаштириш, 408 та махкамат қўшидаги, 1 та меҳнат-роҳат оромгоҳи фаолият кўрсатди. «Оналар ва болалар йили» муносабати билан Наманган вилоятида касабга уюшма кўмиталари ҳамда хўжалик органлари томонидан йўланмаларнинг 70 фоизи кўп болалар ва кам таъминланган оилалар фарзандлари учун бепул берилди. Фарғона, Андижон, Самарқанд вилоятларидаги Оролбўйи болаларини қабул

қилган барча оромгоҳларда ўзги мавсум давомида вилоят ҳокимлиги, соғлиқни сақлаш бошқармаси иштирокида болалар мутахассислари томонидан диспансер кўриги ташкил этилди. Бунда ҳар бир болага тиббий карталар очилиб, даволаш муолажалари тайинланди, дармондорилар берилди. Наманган, Сирдарё, Бухоро, Жиззах, Самарқанд вилоятларида болалар соғломлаштириш оромгоҳларига озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш, сархил мева ва сабзавотлар билан таъминлаш учун савдо ташкилотлари, фермер хўжаликлари бириктириб қўйилди. Бу тажрибани бу йилги

қизларда Ватанга чексиз муҳаббат туйғуларини оширишга қаратилган тадбирларни кўпайтириш, халқ ўйинларини жорий этиш, Давлат рамзларига бўлган эътиқодни мустаҳкамлаш, тарихимизнинг улғувор зарварларидан хабардор этишга алоҳида аҳамият бериш зарур. Ўтган мавсумда йўл қўйилган айрим хато ва камчиликлардан кўз юмиб бўлмайди. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги болалар соғломлаштириш оромгоҳларида оқватлинишни ташкил этиш тартибини бузиш ҳоллари содир этилган. Тошкент, Хоразм, Сур-

мат энг асосий бўғинлардан бири бўлса-да, айрим оромгоҳларда тиббиёт ходимлари, дори-дармонлар билан таъминланиш, тиббиёт хоналарининг жиҳозланиши кўнгилдагидек бўлмаган. Хусусан, Андижондаги «Қалдирғоч» оромгоҳида етарли тажрибага эга бўлмаган врач ва ҳамшира танланган. Шу боис болаларни қабул қилиб олишда уларнинг бўйи, вазнининг топомерик ўлчовлари олинмаган. Мавжуд изолятор биттагина ўринга эга бўлиб, етарли жиҳозланмаган. Қорақалпоғистондаги «Старт» БСО да эса тиббиёт пункти умуман жиҳозланмаган, дори-дармонлар бўлмаган. Болалар тиббий кўриги таш-

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология назорати Маркази бош врачлари ўринбосари Нуриддин Отабоевнинг «Болалар оромгоҳларида соғломлаштириш ва санитария-профилактика ишларини ташкил этишдаги вазифалар», Ички ишлар вазирлигининг ҳуқуқбузарликлар олдини олиш Бош Бошқармаси бошлиғи ўринбосари Анвар Аъзамхўжаевнинг «Ўзги таътил давомида болаларнинг хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўриш» тўғрисидаги маърузалари тингланди.

Семинар иштирокчилари Тошкент шаҳар Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касабга уюшма кўмитасига қарашли «Камалак» болалар соғломлаштириш оромгоҳида бўлиб, уларнинг иш тажрибаси билан танишдилар. Аҳамиятли томони шуки, оромгоҳ баҳорги таътилга чиққан болаларга хизмат кўрсатаётган экан. Дам олаётган 100 нафар болаларга яратилган шарт-шароитлар иштирокчиларда яхши таассурот қолдирди.

Демак, болаларни соғломлаштиришда касабга уюшмалари билан бирга Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Ички ишлар вазирликлари, «Соғлом авлод учун», «Маҳалла», «Болалар» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамжиҳатликда иш олиб бормоғи лозим. Мақсад эса ягона — жорий йилги мавсумни ҳар томонлама намунали ташкил этиш ва юқори савияда ўтказишдир. Семинарда ушбу йўналишдаги мақсад ва вазифалар белгилаб олинди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА, «Ишонч» мухбири.



мавсумда бошқа вилоятларда ҳам қўллаш фойдаланилиши ҳақида ҳисоб қилинган бўлса, амалда 759 та, шу жумладан, 278 та шаҳардан ташқаридаги, 59 та санаторий типидagi, 13 та спорт-соғломлаштириш, 408 та махкамат қўшидаги, 1 та меҳнат-роҳат оромгоҳи фаолият кўрсатди. «Оналар ва болалар йили» муносабати билан Наманган вилоятида касабга уюшма кўмиталари ҳамда хўжалик органлари томонидан йўланмаларнинг 70 фоизи кўп болалар ва кам таъминланган оилалар фарзандлари учун бепул берилди. Фарғона, Андижон, Самарқанд вилоятларидаги Оролбўйи болаларини қабул

қилган барча оромгоҳларда ўзги мавсум давомида вилоят ҳокимлиги, соғлиқни сақлаш бошқармаси иштирокида болалар мутахассислари томонидан диспансер кўриги ташкил этилди. Бунда ҳар бир болага тиббий карталар очилиб, даволаш муолажалари тайинланди, дармондорилар берилди. Наманган, Сирдарё, Бухоро, Жиззах, Самарқанд вилоятларида болалар соғломлаштириш оромгоҳларига озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш, сархил мева ва сабзавотлар билан таъминлаш учун савдо ташкилотлари, фермер хўжаликлари бириктириб қўйилди. Бу тажрибани бу йилги

қизларда Ватанга чексиз муҳаббат туйғуларини оширишга қаратилган тадбирларни кўпайтириш, халқ ўйинларини жорий этиш, Давлат рамзларига бўлган эътиқодни мустаҳкамлаш, тарихимизнинг улғувор зарварларидан хабардор этишга алоҳида аҳамият бериш зарур. Ўтган мавсумда йўл қўйилган айрим хато ва камчиликлардан кўз юмиб бўлмайди. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги болалар соғломлаштириш оромгоҳларида оқватлинишни ташкил этиш тартибини бузиш ҳоллари содир этилган. Тошкент, Хоразм, Сур-

Яқинда Олий Мажлис биносида Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакил (Омбудсман) ҳузуридаги Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши комиссиясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Анжумани инсон ҳуқуқлари бўйича Вакил Сайёра Рашидова олиб борди.

ОМБУДСМАН

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИДА

Йиғилиш бошида Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий дастур лойиҳаси муҳокама этилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директори Акмал Саидов дастурнинг аҳамияти ҳақида сўзлаб берди. Мажлис қатнашчилари ушбу дастурга оид ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Мажлисида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этувчи қатор институтлар вакиллари, жумладан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакил (Омбудсман) котибияти аъзолари, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Республика Олий суди, Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси, Экспорт кенгаши, Оммавий аҳборот воситалари ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда фаолият олиб борувчи ишчи гуруҳи, ҳуқуқни муҳофаза этувчи ташкилотлар ҳамда ўқув даргоҳларининг ходимлари иштирок этишди.

Сайёра Рашидова анжуман иштирокчиларини ўзбек Омбудсманининг Парламент олдида тайёрлаётган ҳисоботи билан таништирар экан, ўтган йили мазкур институт ходимлари томонидан бир қанча ишлар қилинганлигини таъкидлади. Хусусан, Фарғона вилоятида вояга етмаган болалар

ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича қилинаётган ишлар ўрганилди. Бухоро вилоятида тадбиркорлар ҳуқуқларининг муҳофаза этилиши бўйича мониторинг тадқиқотлари олиб борилди.

Ўтган йили комиссияга келган 4472 та ариза ва шикоятлар ўрганиб чиқилди. Шундан 830 таси назорат остига олинди. 200 таси ижобий ҳал қилинди. Мажлисида комиссия аъзолари ва ушбу ташкилотнинг ҳудудий вакиллари йил мобайнида амалга оширилган фаолиятлари юзасидан ҳисобот бердилар. Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакил (Омбудсман) институтининг фаолиятини янада такомиллаштириш борасида тақлиф-мулоҳазаларини билдиришди.

Бугунги кунда Омбудсманнинг халқаро майдондаги нуфузи тобора ошиб бормоқда. Шунга қарамай меҳнатқашлар базий ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини қониқ ҳисил қилмаётганлар. Чунки, кўп қонунлар қабул қилинаётган бўлса-да, унинг ижросини амалга ошириш жуда мушкул келмаётган. Масалан, ўтган йили Омбудсманга асосан Қонунга риоя қилинмаслиги бўйича шикоятлар тушди.

Комиссия аъзоси, Таълим ва фан ходимлари касабга уюшма Марказий Кўмита раиси Зоир Қо-

дилов йиғилишда сўз олиб, шундай деди:

— Федерациямиз комиссияси ишида фаол қатнашмоқда. Ўтган йил мобайнида 21 та ариза касабга уюшмалари би-

лан биргаликда кўриб чиқилди. Шундан 7 таси ижобий ҳал этилди. 60 дан зиёд ташкилотлардан иш ҳақида қарздорлик тугатилди. Лекин айрим раҳбарларнинг қонунларни тўла билмаслиги натижасида жойларда унинг ижроси талаб даражасида эмас. Масалан, ходимларни таътилга чиқариш, ҳомиладор аёлларни ишга олиш бўйича Қонун талаблари кўпол равишда бузилмоқда. Чунки кўп қорхона, ташкилот ва муассасаларда раҳбарларга бир борда ёрдам берадиган малакали ҳуқуқшунос йўқ.

Ўтган йили Омбудсманнинг ҳудудий вакиллари ишнинг такомиллаштириш ва ривожлантиришга катта эътибор берилди. Чунки кейинги пайтларда фуқароларнинг ҳудудий вакилларга мурожаат қилиш ҳоллари кўпайиб бормоқда. Мисол учун ҳисобот даврида 1000 дан ортиқ ариза ва шикоятлар жойларда кўриб чиқилди. Шулардан кўплари ижобий ҳал қилинди.

Йиғилишда нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлаш ижобий самара бераётгани алоҳида таъкидланди. Шу боис улар билан алоқани янада яхшилаш бўйича тақлиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Ғулом ЮСУПОВ, «Ишонч» мухбири.

УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

Сурхондарё вилоят касабга уюшмалари Кенгашининг таъаббуси билан Термиз шаҳридаги «Аналак» ресторанида «Уч авлод» учрашуви ўтказилди.

Унда касабга уюшмалари тизимида самарали ишлаб нафақага чиққан нурунийлар, айна пайтда меҳнат қилаётган ишчилар, шунингдек, Термиз Давлат университетининг талабалари иштирок этидилар. Йиғилганларни Кенгаш раиси А.Аҳмедов табриқлаб, уч авлод вакиллари ўзаро мулоқотга чорлади. Бир пиёла чой устида кўнгилдаги гаплар, ҳаётини масалалар юзасидан қизгин суҳбат қурилди. Тадбир охирида М.Уйғур номидаги вилоят театрининг созанда-ю, хонандалари ва актёрлари қизикarli дастурни намойиш этидилар.

— Биз кексалар касабга уюшмаларининг бундай хайрли тадбирдан беҳад хурсандимиз. Вилоятда кейинги йилларда касабга уюшмалари томонидан ибратли ишлар амалга оширилди. Хусусан, Олтинсойда 100 ўринли сихатгоҳ қурилиши поёнига етиш арафасида. Термизда қисқа муддатда қурилган «Олимпик» сузиш ҳавзаси, тизим тасарруфидagi «Алломиш» уйингоҳи бир қисмининг усти ёпилиши ибратли ишдир, — дейди кекса авлод вакили Х.Шарофидинов.

Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» мухбири.

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Юртимизда шу кунларда Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги кенг нишонланмоқда. Шу муносабат билан «Термиз шаҳрининг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни» мавзусида халқаро илмий анжуман ўтказилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 27 декабрдаги «Термиз шаҳрининг 2500 йиллигини нишонлашга тайёрлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори ҳамда ЮНЕСКО Бош конференцияси 30-сессиясининг Термиз шаҳри 2500 йиллигини дунё микёсида нишонлаш ҳақидаги қарори доирасида ўтказилган мазкур анжуман Фанлар академияси, Ташқи ишлар, Маданият ишлари вазирликлари, Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши ҳамда

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги таъаббуси билан ташкил этилди.

Фанлар академияси президенти Б.Йўлдошев анжумани очар экан, Термиз қадимий маданият бешиқларидан бири сифатида тан олинганини таъкидлади.

Мустақиллик шарофати билан ушбу кўхна шаҳарнинг тарихи, маданий тараққиёти, жаҳон цивилизациясида тутган ўрни бўйича жиддий тадқиқотлар олиб боришга кенг йўл очилди. Термиз ва унинг атрофида археологик қазув ишлари давом этмоқда. Изланишлар шаҳарнинг турли даврларга оид тарихи ва маданиятини ҳар томонлама ёритиш имконини бераётди.

Анжуманда Марказий Осиё тарихи, цивилизациясини ўрга-

нишга салмоқли ҳисса қўшиб келаятган тарихчи, археолог, шарқшунос ва манбашунос олимларнинг маърузалари тингланди. Айниқса, Япония, Франция, Россия каби мамлакатлар олимларининг маърузаларида Термизнинг умумбашар маданиятига қўшган ҳиссаси алоҳида қайд этилди.

Илмий анжуман иштирокчилари Термиз шаҳрининг 2500 йиллик тарихи мисолида Ўзбекистон ва умуман Марказий Осиё тарихига оид кўпгина масалаларни янада ойдинлаштирди.

Бу заминда Ҳаким Термизий, Исо Термизий, Собир Термизий каби ўнлаб буюк алломаларимиз етишиб чиққани, жаҳон фани ва маданиятининг юксалишига салмоқли ҳисса қўшгани алоҳида таъкидланди. (ЎЗА).

Жиззах вилоятида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари давом этмоқда. Республика Қизил ярим ой жамияти вилоят кенгаши Халқаро Қизил ярим ой жамияти билан

ИККИ ТУМАН ОРАЛИГИДАГИ БОҒ

ҳамкорликда вилоятнинг фавкулдада вазиятлар содир бўладиган ҳудудларида боғ барпо этмоқда. Мазкур таъаббусни дастлаб Ғаллаорол тумани ҳокимлиги қўллаб-қувватлади ва 5 гектар ер ажратди. Жиззах ҳамда Ғаллаорол тумани чегарасида яратилаётган ушбу боққа 10 минг 150 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Ушбу хайрли иш учун 3,5 миллион сўм маблағ ажратилди. (ЎЗА).

Касабга уюшмалари бозор шароитида

БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ МАБЛАҒ

Ҳар бир тармоқнинг ўзига хос хусусияти бор. Ходимларни ижтимоий ҳимоялаш, техника хавфсизлигини таъминлаш, умуман, жамоа шартномасининг бажарилиши борасида сўз кетганда бу хусусиятлар яққол намоён бўлади. Ноишлаб чиқариш соҳаларида айрим раҳбарлар молиявий ажратмаларнинг чеklangлигини рўқча қилиб, ижтимоий масалаларни пайсалга солишди. Холбуки, излаган ҳамма имкон топади. Оқдарё туман халқ таълими бўлими ва таълим ва фан ходимлари туман касабга уюшма кўмитаси бу борада амалга ошираётган ишлар ибратлидир. Тармоқ касабга уюшма кўмитаси раиси Зариф Облоқулов бу ҳақда мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди.

Ўқитувчиларнинг меҳнати машаққатли, Шуларни ҳисобга олиб барча таълим муассасаларида жамоа шартномаларини пухта таълим чиқдики. Биринчи гада меҳнатни муҳофаза қилиш масаласида алоҳида эътибор қаратдик. Иш режасига асосан тумандаги бир қатор мактабларда иш шароитининг аҳоли, ўқув лабораториялари ва амалиёт устахоналарида техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиниши ўрганилди ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Шунингдек, ўтган йили хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга ҳаракат қилдик. Хусусан ёш болалар аёлларнинг дарс соатлари улар учун қулай вақтларга қўйилди. Бундай имтиёздан 431 нафар киши баҳраманд бўлди.

Эндиликда барча мактаб, болалар боғчаларида иситиш тизими бенуқсон ишламоқда. Шунингдек, кам таъминланган ўқитувчиларга ва техник ходимларга йил давомида туман халқ таълими бўлими ва касабга уюшма кўмитаси томонидан 6,5 миллион сўмлик моддий ёрдам қўрсатилди. Ўқитувчилар ўртасида спортнинг бир неча турлари бўйича мусобақалар ўтказилди.

Бюджет ажратмаларига боғлиқ тармоқда бундай мақсадларга эришининг ўзи бўлмайди. Туман халқ таълими бўлими билан тузилган тармоқ битимида биз таълим муассасаларининг ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашнинг назарда тутилган. Бундай анъана бир неча йиллардан бери давом этиб келаяпти. Натижадан қониқшиш мумкин. Айни кунларда тумандаги барча мактаблар бюджетдан ташқари маблағ топиш чораларини кўришмоқда. Хусусан, ёрдамчи хўжалиқни юритиш, аҳолига хизмат кўрсатиш, биноларни ижарага бериш ва қонунда рўқсат этилган фаолият юргизиш тўғрисида йилга 600-800 минг сўм қўшимча маблағ ишлаб топишмоқда. Унинг асосий қисми таъмирлаш ташаббусларида сарфланапти. Шунингдек, мазкур маблағ ҳисобидан муҳтожларга ёрдам қўрсатилмоқда. Масалан, 2-мактаб маъмурияти ана шу маблағлар ҳисобидан табиий офат тўғрисида ноҳор аҳолида қолган А.Мардиев ҳамда М.Хайровалар оилаларига катта миқдорда кўмак берилди. Бундай ибратли мисоллар кўп.

Р.ҚУРБОНОВ, «Ишонч» мухбири.

Бундан икки йил муқаддам бир дўстимни ғоят тушқун қайфиятда учратдим. Ундан анчадан бери кўринмаётганлиги сабабини сўрадим.

— Яққа-ю ёлғиз ўғлим бир неча ойдан бери ботиб, — деди у, — Ўн-ўн икки ёшга кириб қолди-ю, лекин сира рангига ранг кирмайди. Энди тузалганида яна қайталайди.

— Дарди нима, — сўрайман ундан.

— Бир қараида арзимангдек кўринадиган, ас-саллигидан ҳеч қутила олмайпти.

Қарангки, ана шу кадрдоним билан яқинда тўйда бирга бўлиб қолдик. Энида ўн уч-ўн тўрт ёшлардаги оғза-ри қип-қизил, дўмбоқ-қина йигитча турарди. Ўтган галдаги гаплари эсимга тушди-ю бемор ўғлининг саломатлигини сўрадим.

— Уша бемор ўғлим олдингида турган мана шу йигитча-да, манаун жавоб қайтарди суҳбатдошим. — Яратган кўп қатори бизга ҳам яхши кунларни насиб этди. Ўғлим тузалиб, касалликдан батамом фориғ бўлиб кетди.

— Пойтахтдаги каттароқ профессорга кўрсатдингизми?

Энг яхши шифо масканлари

бўстонга айланади. Кўп асрларни кўрган чинорлар, дарё тўлқинларидан яралган биллур сувли ариқчалар, анвойи гуллар қалбингизга сурур бағишлайди.

Мамлакатда ягона саланган ушбу сихатгоҳ ав-

40 нафари тиббиёт ходими, 20 нафари ўқитувчи-тарбиячилардир. Чунки, болалар бу ерда муолажа олиш билан бир вақтда ўқишларини ҳам давом эттирадилар.

Шифокорларни танлов асосида ишга қабул

ДАРДИНГ ОЛАЙ, БОЛАЖОН!

— Энг катта табиб ўзимизда экан. Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ, деганларидек, ёнгина-миздаги «Бешкапа» болалар сихатгоҳи қолиб шифохонама-шифохона қатнаб юрган эканмиз. Икки мавсум ҳам муолажа олди, ҳам ўқиди. Мана, учинчи йилдир-ки, томоқ оғриғи безовта қилмайди.

Ха, Наманган шаҳридан ўн қақирим наридаги, Сирдарё соҳилига яқин ерда жойлашган ушбу маскан вилоятнинг оромбахш сихатгоҳларидан саналади. Бу маскан айниқса, ёз ойларида

қилишининг йўлга қўйилиши малакали мутахассислар сонини кўпайтирди. Эски бинолар таъмирланиб, янги ёрдамчи бинолар қурилди. Республиканинг таниқли шифокорлари, соҳа олимлари сихатгоҳга тез-тез ташриф буюриб, мутахассисларга зарур йўл-йўриқ ва маслаҳатлар бормоқдалар.

— Мўмай даромадга ружу қўйган айрим сохта тадбиркорлар истеъмолга яроқсиз бўлган йодлангангузларни келтириб сотмоқдалар. Бу аса нафақат болалар, балки катталар ўртасида

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури — амалда

ЗУККО, МАЪНАН БАРКАМОЛ

Кадим боболардан қолган бир хикмат бор: халқнинг миллатнинг салоҳияти, мактеби аҳолисининг сони ёки сўйим табиати, бойлиги билан эмас, балки маънавияти, маърифатли ва умумтараккиётга қўшган хиссаси билан ўлчанади. Термиз эса буюк алломалар, донишмандлар, мард ва баҳодирлар юрти. Мустақиллик тўғрисида бу муқаддас заминда бугун ҳам аждодларига муносиб зукко, билимдон, маънан баркамол ёшлар вояга етмоқдалар.

Унлаб академик лицей, касб-хунар коллежларида, мактаб ва олий билим даргоҳларида ёшлар замонавий илм-фан ютуқларини сабот билан эгалламоқдалар. Термиз иқтисодиёт коллежи ана шундай билим даргоҳларидандир. Шаҳарга кираверишда кўркам, замонавий бу бино пештоқига Юртбошимизнинг «Ёшлари билимдон юртинг келажак буюқдир» деган сўзлари битилган. 1999 йил кооператив техникуми ўрнида қайта таъмирланиб ишга туширилган коллежда айни кунда 668 нафар талаба ёшлар 6 та йўналиш бўйича таълим олишмоқда. Уларга эллика яқин малакали ўқитувчилар билим бермоқда.

Ёшларни мустақиллик ҳолатига содиқ, ватанпарвар, билимдон, зукко қилиб тарбиялашга жиддий эътибор қаратилмоқда, - дейди коллеж директори Мираҳмад Мирсобиров. - Замон биз устозлардан фидойилликни, ўз устимизда тинимсиз ишлашни талаб қилмоқда. Ўзим ҳам инглиз тилини ўрганапман.

Негаки, тил ўрганиш ҳозирги давр талаби. Талабалар эса, шукрки, билимга чанқоқ, шунга яраша уларга ҳар томонлама билимдон ва малакали ўқитувчилар сабоқ бермоқда. Коллежда маънан баркамол ёшларни тарбиялаш ниятида турли саналарга бағишланган тадбирлар, анжуман, мусобақа ва болалар ижодиёти кўргазмалари ўтказилмоқда. Бундай тадбирлар эса ўқувчилар қалбига келажакка бўлган ишончни муштаҳкамламоқда.

Билим масканларидаги 28 та синф хоналари замонавий ўқув дастгоҳлари билан таъминланган. Ўқув лабораториялари, компьютер хонаси фаннинг сўнгги ютуқларига асосда жиҳозланган. Компьютер, мультимедия, видеокамера ўрнатилган ва улардан дарс жараёнида фойдаланилмоқда. Шунингдек, 120 ўринли ошхона, 78 ўринга мўлжалланган ётоқхона мавжуд, ёғи ва киши спорт зали ҳам доимо ёшлар билан гавжум. Талабаларнинг билим савиясини оширишда рейтинг тизими жорий қилинган.

Коллеж ўқитувчи ва ўқувчилари ўртасида зукколар

беллашуви, мушоира, давра суҳбатлари ҳамда спорт мусобақалари ўтказилиб, ғолибларни эсдалик совғалар билан тақдирлаш аънаёнага айланган.

Бундан ташқари коллежда Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўргатиш борасида ҳам амалий ютуқларга эришилди. Талабаларнинг ота-оналари, ҳуқуқшунослар билан биргаликда ўтган давра суҳбатлари ёшларнинг ҳуқуқий билимини оширишда муҳим ўрин тутмоқда.

Термизнинг 2500 йиллик тўйига коллеж ёшлари аъло ўқишлари билан бирга муносиб совға хозирладилар. Шаҳарни ободонлаштириш, кўкамзорлаштириш ишларига фаол қатнашиб, мингдан ортиқ меваги дарахт кўчатлари ўтказдилар, гулзорлар барпо этдилар. Айни пайтда билимгоҳдаги кўркам гулзор боғлар ороланиб, дилни яшнатади.

— Талабаларимиз тарихи асрларга туташ она шаҳримиз тўйини муносиб кутиб олмоқдалар. Улар шаҳримизни боғроғга айлантириш ишига муносиб хиссаларини қўшдилар, - дейди коллежнинг ўқув ишлари бўйича муовини Парда Оромиддинов.

Тўлқин ЖАЛИЛОВ, «Ишонч» муҳбири.

ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Япониянинг Хиросима шаҳридаги Тинчлик мемориал музейи томонидан ташкил этилган тинчлик мавзусидаги болалар расмлари халқаро танловига Ўзбекистон Бадиий академиясининг Гулистон туманида жойлашган тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати ўқувчилари ҳам иштирок этишди.

Танловда лицей ўқувчилари Қодир Мирашуров ва Тохир Раҳмонбердиевларнинг чизган расмлари юқори баҳога сазовор бўлди. Танловда етти мингга яқин асар намойиш этилганлиги, унда АҚШ, Франция, Англия, Олмония, Хиндистон, Покистон давлатларининг ижодкор болалари иштирок этганини ҳисобга оладиган бўлса, унинг нуфузи нақадар юқори бўлганини, ғолибликни қўлга киритиш осон кечмаганини сезиш қийин эмас.



Ҳаёт бўлганида халқимизнинг ардоқли санъаткори Тамарахоним 96 ёшни қаршилар эди.

А.Иноқов архивдан.

КИМНИНГ «ЛАЙЛАГИ» БАЛАНД УЧАДИ?

Тўрақўрғон туманининг Шохидон қишлоғида «лайлак» ва варрак учирини бўйича илк вилоят биринчилиги бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туманлардан келган 200 нафардан ортиқ ёшлар ўзлари ясаган варрак ва «лайлак»ларини намойиш этдилар. Ғолиблар варрак ҳамда «лайлак»ларнинг қисқа муддатларда белгиланган нуқталарга кўтарилиши, баланд училишига қараб аниқланди.

Биринчилик якунида варракчилар мусобақасида Чуст тумани вакили Дилмурод Толипов ғолиб деб топилди. «Лайлак» учирини баҳсида ҳам чушлик Сурыат Тошпўлатовга тенг келадиган рақиб топилмади. Умумжамоа ҳисобида энг кўп очко жамғарган «Ватанпарвар» ташкилоти Чуст тумани кенгаши жамоаси ғолибликни қўлга киритди. Иккинчи ва учинчи ўринлар Наманган шаҳар ва Тўрақўрғон тумани жамоаларига насиб этди.

Ғолибларга мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгашининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

ж.обидов.

Хотира уйғонса гўзалдир

Яқинда Балиқчи туманидаги Аралхон қишлоғида халқ таълими фидойиси Абдукарим Машрабов хотирасига бағишланган турнир бўлиб ўтди.

Дарвоқе, ёш каратэчиларнинг очиқ биринчилиги айнан шу қишлоқдаги 12-ўрта мактабда ўтказилиши бежиз эмас. Чунки Абдукарим Машрабов ана шу билим масканига раҳбарлик қилган кезларида маҳоратли спортчиларни тарбиялашга катта эътибор берди. Бундан икки йил аввал унинг ташаббуси билан «Аралхон» каратэ мактабига асос солинди. Қорабелбоғ соҳиби Муроджон Машрабов мураббийлик қилаётган мазкур каратэ мактабида айни пайтда 30 нафар ёш спортчи шарқона кураш сирларини кунт билан эгаллашмоқда. Улар йил сайин ўз маҳоратларини ошира бориб, туман, вилоят ва республика миқёсидаги мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб келмоқдалар. Шуни ҳам айтиш керакки, бугунги кунда туман каратэ миллий федерациясининг саъй-ҳаракати билан қишлоқ ва маҳаллаларда ташкил этилган каратэ мактаблари фаол иш олиб бормоқда. Айниқса, бу спорт масканлари-

ри ўз маҳоратларини намойиш этдилар. ...Кун бўйи давом этган

ТУРНИР АНЪАНАВИЙ ЎТКАЗИЛАДИГАН БЎЛДИ

нинг ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлариغا хизмат қилаётгани кувончlidir. Турнирнинг тантанали очилиш маросимида сўзга чиққанлар юртимизда спортчиларни тарбиялашга катта эътибор берилганлигини таъкидладилар. Абдукарим Машрабовнинг инсоний фазилатларини ёдга олдилар, спортчиларга беллашуларда омад тиладилар.

Шундан кейин бахсларга киришилди. Мактабнинг спорт залида бошланган қизиқарли олишувлар ҳаммани ҳаяжонга солди. Мусобақаларда Андижон ва Наманган вилоятларидан келган 100 нафардан ортиқ спортчи ғолиблик учун кураш олиб бордилар. Мусобақаларда «Балиқчи», «Чинобод», «Аралхон», «Полвонқўл», «Алчазор» каратэ мактаблари вакиллари

бахслар ниҳоясида чапдаст ҳаракатлари билан мухлислар олқишига сазовор бўлган Воҳиджон Ёқубов, Яхёбек Йўлчиев, Шўхратбек Машрабов, Туланбой Каримов, Баҳодир Валиев, Фазлиддин Қобулов, Музаффар Машрабов, Шерзодбек Машрабовнинг инсоний фазилатларини ёдга олдилар. Уларга турнир ташкилотчилари ва хомийлар томонидан таъсис этилган муқофотлар, эсдалик совғалари топширилди. Аралхонда ўтказилган мусобақалар баркамол авлодни камол топтиришга хизмат қилади. Айтганча, хотира турнири бундан буюн аънаваний тарзда ўтказилади дегани бўлди. Демак, спортни оммавийлаштиришдек эзгу ишлар давом этади.

Мухаммадjon КАРИМОВ.

ЮРТПАРВАРЛИК ТҮЙҒУСИ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетининг ижтимоий-сиёсий фанлар факультетида «Маънавият, тасаввуф ва мафкура» мавзусида талабаларнинг илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Анжуман фалсафа фанлари доктори, профессор Маҳмуджон Нурматовнинг илмий раҳбарлигида тайёрланди ва амалга оширилди.

Анжуман Президентимиз Ислоҳ Каримов асарларида мужассамлашган маънавият, мафкура, тасаввуф ва маърифат тўғрисидаги ҳаётий ғояларни талабалар қалбига синдириш, уларда мустақил ва ижодий фикрлаш истеъдодини такомиллаштириш, буюк Ватанимиз тарихига ҳамда улуг аждодларимиз руҳига меҳр-муҳаббат ва юртпарварлик туйғуларини кучайтиришга хизмат қилди.

Анжуманда йигирма нафардан ортиқ талабалар ўз илмий маърузалари билан фаол қатнашдилар. Рухиятшунослик (психология) бўлимидан Фаҳриддин Ғайбуллаев Президентимизнинг «Жамиятимиз мафкураси халқни — халқ, миллатни — миллат қилишга хизмат этсин» асарида маънавият ва мафкуранинг уйғунлиги Ҳаким Назаров «Камолот» ёшларимизнинг чинакам суянчи ва таянчи бўлсин» асарида ёшларга хос маънавиятнинг ёритилиши, Абдуҷаббор Сатторов «Машраб ижодида маънавият ва тасаввуф», Суннат Раҳматов «Тасаввуфнинг моҳияти ва унинг миллий маънавиятимиз билан уйғунлиги» мавзусларида қизиқарли маърузалар қилдилар.

Тинланган маърузалар, баҳс-мунозаралар ва савол-жавобларда «Ягона Ватан», «Куч билим ва тафаккурда», «Юрт тинчлиги», «Ватан равнақи, халқ фаровонлиги», «Адолат ҳар ишда широримиз бўлсин», «Миллий ғоя, миллий мафкура масаласи биз учун ҳаёт-момотдир», «Тасаввуфсиз, тасаввуф эстетикаси ва тасаввуф этикаси-сиз баркамол инсонни тарбиялаб бўлмайди» сингари эътиқодий ғояларга алоҳида эътибор берилди. Зеро, давлатимиз раҳбари ўқирганидек «Биз фарзандларимизни дунёвий билимлар билан бир қаторда Имом Бухорий тўплаган ҳадислар, Нақшбанд таълимоти, Термизий ўғитлари, Ясавий ҳикматлари асосида тарбия қилмоқдамиз».

Модомики шундай экан, миллий маънавият, тасаввуф ва мафкуранинг ўзаро узвий алоқадорлиги шубҳасиздир.

Дилором ДҮСТМУҲАМЕДОВА, ЎЗМУ талабаси.



Суратда: Термиз иқтисодиёт коллежи.

«Оқ олтин — «ЕС» савдо ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятининг 2001 йил учун баланси

АКТИВ (минг сўм ҳисобида)

1. Асосий воситалар	— 2614
2. Емирилиш	— 729
3. Қолдиқ нарх	— 1885
4. Шўъба корхона акциялари	— 12
5. Уюшма корхоналари акциялари	— 385
6. Ишлаб чиқариш захираси	— 32
7. Сотиладиган маҳсулотлар	— 6757
8. Пул воситалари	— 2486
9. Харидорлар билан ҳисоб	— 6920
10. Бюджетдан қарздорлик	— 14
11. Ходимлар билан ҳисоб	— 144
12. Келгуси даврлар ҳаражати	— 9837
13. Сотиб олинган акциялар	— 20
14. Бошқа дебиторлар	— 179
БАЛАНС	— 28671

ПАССИВ (минг сўм ҳисобида)

1. Устав капитал	— 2596
2. Заҳира капитал	— 98
3. Қўшилган капитал	— 1594
4. Тақсимланмаган фойда	— 4234

2001 йил учун аудиторлик текшируви «Ўзбек-савдо-Аудит» аудиторлик фирмаси томонидан ўтказилган. 14.02.2001 й. 2-сонли лицензия

5. Мақсадли тушум ва фондлар	— 1641
6. Қисқа муддатли кредитлар	— 7000
7. Маҳсулот юборувчилар	— 10717
8. Бюджетдан қарздорлик	— 65
9. Иш ҳақидан қарздорлик	— 234
10. Ижтимоий сўғуртадан қарздорлик	— 44
11. Бюджетдан ташқари тўловлардан қарздорлик	— 103
12. Бошқа кредиторлар	— 24
13. Шўъба корхоналарининг қарздорлиги	— 321
БАЛАНС	— 28671

«Оқ олтин — «ЕС» савдо-ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятининг 2001 йил учун динамика кўрсаткичи (минг сўм ҳисобида)

Товар айланиши	— 58753
Ялли даромад	— 4423
Бошқа тушумлар	— 6699
Чиким	— 4943
Бошқа ҳаражатлар	— 12
Ялли даромаддан солиқ	— 2686
Фойда	— 3481

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир хайъати:

Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-87-73; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 03.30

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газета 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотишда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.